



**FOOD POLICY
(IN THE CASE OF SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN, 1970-1990)**

Ural Khudaykulov
Associate professor
National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Food industry, meat, milk, fat products, pasta products, Mevasabzavotuzumsanoat association, oil extraction plant, Shahrisabz meat enterprise.

Received: 31.10.24
Accepted: 02.11.24
Published: 04.11.24

Abstract: The tasks defined in the development strategy implemented in the new Uzbekistan are aimed at the further development of the light and food industry, achieving new milestones, developing in line with the times, and protecting the interests of our people. In particular, President Shavkat Mirziyoyev emphasized the need to expand the processing of raw cotton and the export of finished products by increasing modern enterprises.

Therefore, it is considered an urgent issue to carry out scientific research aimed at the introduction of advanced innovations in accordance with the world standards necessary for the light and food industry.

**ОЗИҚ-ОВҚАТ СИЁСАТИ
(ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАР МИСОЛИДА 1970- 1990 ЙИ.)**

Урал Худайкулов
Доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Озиқ-овқат саноати, гўшт, сут, ёғ маҳсулотлари, макарон маҳсулотлари, Мевасабзавотузумсаноат” бирлашмаси, ёғ-экстракция заводи, Шахрисабз гўшт корхонаси.

Аннотация: Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларда ҳам енгил ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш, янги марраларни эгаллаш, замон билан ҳамнафас ривожланиш, халқимизнинг манфаатини ҳимоялашга қаратилган. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев замонавий корхоналарни кўпайтириш орқали пахта хом ашёсини қайта

ишлаш, тайёр маҳсулот экспортини кенгайтириш зарурлигини таъкидлаб ўтган. Шу боисдан енгил ва озиқ-овқат саноати учун зарур бўлган жаҳон андозаларига мос илғор инновацияларни жорий қилишга қаратилган илмий изланишлар олиб бориш долзарб масала ҳисобланмоқда.

ПРОДОВОЛЬСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА (НА ПРИМЕРЕ ЮЖНЫХ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА, 1970-1990 ГГ.)

Урал Худайкулов

Доцент

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Пищевая промышленность, мясо, молоко, жировые продукты, макаронные изделия, объединение «Мевасабзавотузумсаноат», маслоэкстракционный завод, Шахрисабзский мясной комбинат.

Аннотация: Задачи, определенные в стратегии развития, реализуемой в новом Узбекистане, направлены на дальнейшее развитие легкой и пищевой промышленности, достижение новых рубежей, развитие в ногу со временем, защиту интересов нашего народа. В частности, Президент Шавкат Мирзиёев подчеркнул необходимость расширения переработки хлопка-сырца и экспорта готовой продукции за счет увеличения современных предприятий.

Поэтому актуальным вопросом считается проведение научных исследований, направленных на внедрение передовых инноваций, соответствующих мировым стандартам, необходимых для легкой и пищевой промышленности.

Кириш: Ўзбекистонда совет ҳокимияти йилларида озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш ва ушбу соҳани замонавий жиҳозлар билан таъминлаш учун жиддий ҳаракатлар амалга оширилмай, фан ва техника натижаларидан мазкур тармоқни ривожлантиришда фойдаланилмади. Хуллас, озиқ-овқат саноати корхоналарининг жадал ривожланишига, корхоналарнинг эркин рақобатига шароит яратилмади. Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигидаги зиддиятлар ва қийинчиликлар, шу жумладан хўжасизлик ўрнини совет ҳукумати чет элдан озиқ-овқат ва ғалла сотиб олиш йўли билан тўлдиришга ҳаракат қилди. 1970-1980 йилларда гўшт, балиқ, ёғ, канд, шакар, ғаллани чет элдан сотиб олиш 10 баробарга ошди. Совет ҳукумати 1980 йил бошларида қишлоқ хўжалиги тушқунлигини олдини олиш мақсадида махсус озиқ-овқат режасини ишлаб чиқди. Ушбу режа КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил май Пленумида тасдиқланди. Бироқ у маъмурий-буйруқбозлик бошқарувининг эскирган тизими доирасида ишлаб чиқилиб,

турғунлик асоратининг олдини ололмади. Қабул қилинган қарор озиқ-овқат саноатидаги муаммоларни бартараф эта олмади ҳамда замонавий озиқ-овқат саноати корхоналарини қуриш, қайта таъмирлаш масаласида бирон бир жиддий натижага эриша олмади.

Манбалар шахри. XX асрнинг 70-80 йилларида Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган ҳамда ўзига хос геосиёсий мавқега эга бўлган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноатининг барпо этилиши ва уларнинг янги ускуналар билан жиҳозланиши ва таъмирланиши совет ҳокимияти даврида фақат Марказнинг манфаатлари асосида олиб борилди.

Тадқиқот методологияси. Манбашунослик ва тарихшунослик соҳаларига оид палеографик, матншунослик, сиёсатшунослик, цивилизацион ёндашув, контент анализ, диалектик, микротарих (мисрохисторй), статистик таҳлил (статистисал анализ), тизимли таҳлил, муаммовий-мақсадли ёндашув каби илмий билиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот таҳлили ва натижалари. Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган ҳамда ўзига хос геосиёсий мавқега эга бўлган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноатининг барпо этилиши ва уларнинг янги ускуналар билан жиҳозланиши ва таъмирланиши совет ҳокимияти даврида фақат Марказнинг манфаатлари асосида олиб борилди. 1990 йил 11 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кенгашида Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан тайёрланаётган маҳсулотларни рўйхатга олиш, сут, гўшт, ун, ёғ, макарон, колбаса, шакар ва бошқа маҳсулотларнинг ички ва ташқи нархларини аниқлаш, республикадан четга чиқарилаётган маҳсулотларнинг баҳосини ҳисобга олиш, шунингдек, республикага четдан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори, уларнинг баҳоси ҳақида ҳаққоний мулоҳазалар юритиш, миллий даромадни тўғри ҳисоблаш ва “қарз” деган баҳонадан қутилиш масаласини ҳал қилиш кун тартибига қўйилди. Энг муҳими тайёр озиқ-овқат маҳсулотни кўпайтириш, бунинг учун қайта ишловчи соҳаларни кенгайтириш, маҳсулотлар баҳосини қайта кўриб чиқиш, ушбу саноат маҳсулотларининг республикада қолиши, шунингдек, саноат соҳасида мутахассислар тайёрлаш, ишсизликка барҳам бериш масалаларини ҳал қилиш кун тартибига киритилди.[1]

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида озиқ-овқат маҳсулотлари учун зарур бўлган шартли банкалар, консерва ёпадиган ускуналар, маҳсулотни сақлайдиган омборлар, уни транспорт асосида ташиш ишлари ўз вақтида ташкил этилмаганлиги туфайли тайёр маҳсулотларни сифатли ишлаб чиқариш имконияти бўлмади. Энг муҳими озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш учун зарур ҳудудий фондлар маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказилмади ҳамда қўшимча иқтисодий рағбатлантирилмади, шунингдек, озиқ-овқат саноати корхоналарини қуришга бўлган масофа, транспорт ҳаражати ҳисобга олинмади. Ҳар бир ҳудуднинг озиқ-овқат саноатини ривожлантиришдаги имкониятлари ҳисобга олинмаган ҳолда

озиқ-овқат саноати корхоналарини куриш режа асосида амалга оширилди ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Марказга жўнатилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, озиқ-овқат саноати корхоналарини куришда табиий шароит, иқлим, географик жойлашув, аҳолининг сони ва талаб даражаси, ишчи кучи, ижтимоий турмуш даражаси ва хом ашё билан таъминлашдаги оралиқ масофалар ҳисобга олинмади. Натижада озиқ-овқат саноати корхоналарини ишчи кучи, муҳандис техник ходимлар ва хизматчилар билан таъминлаш, уларни уй-жой ва ижтимоий маиший жиҳатдан ҳимоя қилиш доимий тарзда муаммоли масала бўлиб келди.[2]

Жанубий вилоятларда озиқ-овқат саноати тараққиётида чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларнинг асосий мақсади Ўрта Осиёдаги ҳарбий стратегик йўналишни озиқ-овқат, гўшт, сўт, ёғ маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда қўшимча таъминот заҳирасини яратиш эди. Ишлаб чиқарилган ёғ саноати маҳсулотлари маҳаллий аҳоли эҳтиёжларига сарфланса-да, ёғни сифатли ва озиқланиш тўйимлилиги талаб даражасида эмас эди. Ўз навбатида ушбу соҳада ёғни сақлаш, қайта ишлов бериш технологияси тиббий назорат талабларига жавоб бермас эди.

Республикада озиқ-овқат саноат комплексини шаклланиши ва тараққий этиб, янги комплекс асосида қайта жиҳозланишига Марказ алоҳида эътибор бермай, янги асбоб-ускуналарни ўрнатиш, замонавий жиҳозларни олиб келиб, ишга тушириш масаласига етарли маблағлар ажратмади. Натижада эски ускуналар асосида сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, янги маҳсулот турларини яратиш турғун ҳолда қолди. Жанубий ҳудудларда гўшт ишлаб чиқаришда ижобий ўзгаришлар бўлмай, гўшт тайёрлаш, қайта ишлаш XX аср 20-30-йилларидаги эски технология асосида амалга оширилди. Натижада 1970 йилда Қашқадарё вилоятида 4630 тонна, Сурхондарё вилоятида 4087 тонна гўшт маҳсулотлари тайёрланди. Аҳолини сифатли гўшт билан таъминлаш бўйича давлат режаси атиги 72,5 фоизга бажарилди. Маҳаллий аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган қўй, эчки, қорамол гўшти ўрнига, маҳаллий аҳоли истеъмол талабига жавоб бермаган чўчка гўштини етказиб беришга ҳаддан ортиқ зўр бериш, давлат маблағларини чўчкачиликни ривожлантиришга сарфлаш оддий ҳодисага айланиб борди.

Озиқ-овқат саноатининг асосий тармоғи ҳисобланган гўшт-сўт саноати ривожланиши учун Ўзбекистонда катта имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай, уни қайта ишлашга эътибор йўқ эди. Энг муҳими қайта ишловчи гўшт-сўт саноатининг Ўзбекистонда шакллантириш масаласига Марказ эътибор бермай, саноат корхоналарини куриш, маҳсулот турлари ва сифатини яхшилаш, маҳсулотни сақлаш масаласига зарурий маблағлар ажратилмади. Аҳолини гўшт-сўт маҳсулотларига талаб даражаси бу даврда деярли қондирилмас эди. Энг ачинарли аҳвол жанубий ҳудудларда бўлиб, гўшт-сўт маҳсулотларини тайёрлаш, қайта

ишлаш, маҳсулот турларини сифат жиҳатдан кўпайтириш, маҳсулотни сақлаш имкониятларига умуман эътибор берилмади.

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатининг таркибий қисми бўлган ароқ-вино ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эътибор бу пайтда анча ривожланиб, янги корхоналарни ишга тушириш ҳаракати кучайди. Чунки 1970-1980 йилларда аҳолининг маълум қисмини вино-ароққа бўлган талабини ҳисобга олиб, давлат бюджети учун зарур бўлган банк пул тушумини ароқ-вино ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфларди. Ароқ-вино заводлари билан бирга вино сақлайдиган, ишлаб чиқарадиган махсус марказ ташкил этилганди.

Бу пайтда ун ва ун маҳсулотлари тайёрловчи корхоналарнинг иқтисодий фаолияти турғун ҳолатда бўлиб, ишлаб чиқариш қувватларини такомиллаштириш бўйича амалий тадбирлар бажарилмади. Аҳолига сифатли ун маҳсулотларини етказиб бериш, макарон ишлаб чиқариш, янги турдаги маҳсулотлар билан аҳолини таъминлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмади. Айниқса макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологик жиҳатдан талаб даражасида бўлмай, тайёрланган маҳсулотлар эски технологияга асосланган бўлиб, сифатсиз ҳолда тайёрланган эди. 1970 йилда Республикада 37.691 тонна макарон маҳсулотлари тайёрланиб, жумладан, жанубий ҳудудларда макарон маҳсулотларини тайёрлаш корхоналари мавжуд эмас эди [5]. Ушбу вилоятларда фақат 1980-1986 йилларда макарон маҳсулотларини тайёрлаш йўлга қўйилиб, аҳолини ушбу маҳсулотларга бўлган талаби атиги 38 фоизга қопланган эди.

Аҳолини талаб-эҳтиёжларини кондириш, кундалик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида қандолатчилик маҳсулотларни тайёрлаш совет даврида фақатгина шаҳарларда йўлга қўйилган эди. Чунки сифатли конфетлар, новвот, шакар ва қанд, чой маҳсулотлари билан таъминлайдиган корхоналарни иқтисодий қуввати етарли даражада эмас эди. Шунингдек, қандолатчилик фабрикалари маҳсулотлари ўзининг сифати, сақланиш ҳолати, муддати билан талаб даражасида эмас эди. Марказдан юборилган қандолатчилик маҳсулотларида ҳам худди шу ҳолат ўз аксини топган эди. Қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1970 йилда Ўзбекистон ССРда 87177 тоннани ташкил этган бўлса, жумладан, Қашқадарё вилоятида 634 тонна, Сурхондарё вилоятида 259 тоннани ташкил этди. Қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жанубий ҳудудларда фақатгина 1970 йилда дастлаб пайдо бўлиб, пирожнийлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Чунки қандолатчилик цехлари совет ҳукумати томонидан 1930-40 йилларда деярли ёпиб ташланиб, маҳаллий қандолатчилик ишлаб чиқариши қисман сақланиб қолган эди. Маҳаллий қандолатчилик цехларида тайёрланган новвот, парварда маҳсулотлари умуман жанубий ҳудудларда тўхтатилиб қўйилди. Натижада маҳаллий озиқ-овқат, қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлашнинг

тақиқланиши ушбу соҳада хизмат қилувчи қандолатпазларга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Кейинчалик жанубий ҳудудларда қандолатчилик соҳаси бирмунча ривожланди.

Қашқадарё вилояти ёғ-мой корхоналарида ишлаб чиқариш соҳасида ижобий силжишлар амалга оширилиб, 1970 йилда Шаҳрисабз ёғ-экстракция заводи режадан ташқари 215 минг рубл маҳсулот ишлаб чиқариб, меҳнат унумдорлиги 2,94 фоизга ошди [6].

Вилоятда мавжуд 2 та ёғ-мой заводи мусобақалашини асосида иш юритиб, Қашқадарёда ёғ-мой ишлаб чиқариш ўсиб борди. 1970 йили 21481 тонна, 1975 йили 27237 тонна ёғ-мой ишлаб чиқарилди. 1971 йилда Шаҳрисабз ёғ-экстракция заводида маҳсулот реализация қилиш режаси 111,4 фоизга уддаланди. Режадан ташқари 1202 минг рубл маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Озиқ-овқат саноатига қарашли ўсимлик мойи ишлаб чиқарувчи Денов ёғ-экстракция заводида чигитни қайта ишлаш қуввати 120 тонна бўлиб, бир кеча кундузда 14-15 тонна оқланмаган ёғ ишлаб чиқариб, заводда 160 киши меҳнат қилган. Корхонада 1973 йилдан оқланган ёғ олина бошланди. Бу йилдан корхона суткасига 340 тонна пахта чигитини қайта ишлай бошлади [7].

1965 йилга нисбатан 1973 йилда озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш 124 фоизга, аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган гўшт ишлаб чиқариш 119 фоизга, ёғ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш 114 фоизга, ёғ ва ёғ саноати 132 фоизга, полиз ва сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш 125 фоизга, вино ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш 134 фоизга ўсди [8].

XX аср 70-йилларига келиб, Қашқадарё вилоятида пахта ялпи ҳосили миқдорининг кескин ошиши натижасида Қарши ёғ-экстракция корхонаси қайта таъмирланди ва заводнинг пахта чигитини қайта ишлаш умумий қуввати бир кеча-кундузда 400 тоннага етказилди. 1974 йилда корхона бир кеча-кундузда 800 тонна чигитни қайта ишлаш ва 134 тонна ўсимлик мойи ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. 1985 йилда корхона йилига 250 минг тонна чигитни қайта ишлади. Заводда чигитни қайта ишлаш жараёнида озиқ-овқат (ўсимлик) мойи, чорва моллари учун кунжара, шулха маҳсулотлари олинди. Қайта ишланадиган 1 тонна чигитдан 180 кг мой (чигит хом ашёсига нисбатан 18 фоиз), 470 кг кунжара (47 фоиз) ва 280 кг шулха (28 фоиз миқдорида) етиштирилди. Шунингдек, Косон сут корхонаси 1970 йил 2.252.000 рубл маҳсулот ишлаб чиқарди [10].

1970-1980 йилларда жанубий вилоятларда озиқ-овқат саноатига қарашли ёғ-мой заводлари қурилиб ишга туширилди, натижада Ўзбекистондаги 9 ёғ-мой заводи бир кунда 11735 тонна, йилига эса 3.665.000 тонна чигитни қайта ишлаш имкониятига эга бўлди. 1980 йилда Шаҳрисабз ёғ-экстракция заводи бир кеча-кундузда 650 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга бўлди [11].

1980 йилдан кейин гўшт-сут саноати тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига тармоқда хом ашё ресурслари таъминотидаги узилишлар, иккинчидан, корхонага хом-ашё етказиб берувчи хўжалик субъектлари ўртасидаги ҳукукий-иқтисодий алоқаларнинг пастлиги сабаб бўлди.

Денов вино-ароқ заводи 1990 йилда Сурхондарё вилоятида ишлаб чиқариладиган спиртли ичимликларнинг 13,5 фоизини ишлаб чиқариб, вино-ароқ саноатида ишлайдиган ходимларининг 37,7 фоизини ўзига жалб этган эди. Заовд бир кеча кундузда 4000 дкл. вино, 2000 дкл ароқ ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, корхона кейинчалик “Ўзмевасабзавотузумсаноат- холдинг” компанияси тасарруфида фаолият кўрсатди. Олтинсой вино ишлаб чиқариш корхонаси 1990 йил вилоят “Мевасабзавотузумсаноат” бирлашмасига қарашли бўлиб, унинг ҳиссаси вилоят вино-ароқ саноат маҳсулотининг 32.6 фоизи, асосий саноат ишлаб чиқариш фондларининг 37,3 фоизи ва саноат ишлаб чиқариш ходимларининг 22,9 фоизини ўзига жалб этган эди [12].

1990 йилда ароқ-вино корхонаси таркибида янги кичик корхоналар ташкил этилди. Жамладан, Денов тумани “Ҳазорбоғ” жамоа хўжалигида ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Орзу” кичик корхонаси (фирма) куриб ишга туширилди. Мазкур корхона 1990 йилда тармоқ жами ялпи саноат маҳсулотларининг 26,2 фоизини ишлаб чиқарди. Тармоққа қарашли корхоналарда сифатли “Кагор”, “Алеатика” русумли вино ва “Денов”, “Орзу” каби ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилди [13].

Айниқса, жанубий ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи консерва ишлаб чиқаришга мослаштирилган корхоналарга эътибор кучайди. Жанубий ҳудудларда полиз-сабзавот, томат ва томат маҳсулотлари, мева маҳсулотларидан консерва ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилди. Бироқ янги ерларни ўзлаштириш туфайли ташкил топган полиз-сабзавотчилик, мева-боғдорчилик давлат хўжаликлари ихтиёрида консерва корхоналарини куришга руҳсат этилмади ҳамда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмади. Натижада тайёр қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун узоқ масофада жойлашган консерва заводларига олиб бориш катта маблағни сарфлашга, маҳсулотларни сифатини бузилишига ҳамда сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришга олиб келар эди. Бу эса аҳоли талаб эҳтиёжларни қоплашга имконият бермас эди [14]. Хуллас, совет ҳокимияти Ўзбекистонда сифатли консерва маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эътибор бермади.

Ўзбекистонда консерва маҳсулотларини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш саноати 1970 йилда 334.135 дона шартли банка, 1975 йилда 534.917 дона шартли банка консерва маҳсулотларини тайёрлаган бўлса, Қашқадарё вилоятида 1970 йилда 330.030 дона, 1975 йилда 481.043 дона, Сурхондарё вилоятида 1975 йилда 412.002 дона шартли банка консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, халқ эҳтиёжи учун етказиб берилди [15].

Гўшт маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш саноати республикада янги технология асосида жорий этилиб, маҳсулот сифати ва салмоғини ошишига технологик жиҳатдан шароитлар яратиб берилди. Республикада саноат асосида гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1970 йилда 94161 тонна, 1975 йилда 147426 тоннани ташкил этган бўлса, Қашқадарё вилоятида 4630 тонна, 1975 йилда 8367 тонна, Сурхондарё вилоятида 1970 йилда 4087 тонна, 1975 йилда 6874 тоннани ташкил қилди. Республикада чорва маҳсулотларидан ёғ ишлаб чиқариш ва тайёрлаш саноатида ҳам ишлаб чиқариш қуввати ошиб, республикада 1970 йилда 6447 тонна, 1975 йилда 8566 тонна чорва ёғи ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 1970 йилда 742 тонна, 1975 йилда 779 тонна, Сурхондарё вилоятида 1970 йилда 672 тонна, 1975 йил 913 тоннага етди[16].

Аҳолининг талаб эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда республикада саноат асосида сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта тайёрлаш соҳасида янги саноат технологиясини қўллаш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга эътибор берилди. Республика бўйича 1970 йилда 220232 тонна, 1975 йилда 329454 тонна сут ва сут маҳсулотлари саноат асосида тайёрланган бўлса, Қашқадарё вилоятида 1970 йилда 7221 тонна, 1975 йилда 12418 тонна, Сурхондарё вилоятида 1970 йилда 6632 тонна, 1975 йилда 9166 тонна сут ва сут маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилди.[17.]

Республика озиқ-овқат саноатининг асосий тармоғи ҳисобланган ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш масаласига эътибор кучайиб, ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарининг иқтисодий қудрати оширилиб, маҳсулотнинг сифат ва самарадорлигига эътибор кучайтирилиб, янги технологик жараёнларни ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш саноатига кенгроқ қўллашга эътибор берилди. Республикада ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш саноат корхоналарида 1970 йилда 293604 тонна, 1975 йилда 430924 тонна саноат асосида ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 1970 йилда 16184 тонна, 1975 йилда 20430 тонна, Сурхондарё вилоятида 1970 йилда 18103 тонна, 1975 йил 31726 тоннани ташкил қилди[18].

Аграр ишлаб чиқаришга асосланган Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта тайёрлаш ва халқ истеъмоли эҳтиёжларига етказиб бериш масаласида янги технологик жараёнларни саноатда қўллаш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш масаласида ички имкониятларини ишга солиб, халқ эҳтиёжларидан келиб чиқиб, янги турдаги маҳсулотларни яратишга киришди.

Озиқ-овқат саноатининг муҳим тармоқларидан бўлган қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда уни янги технология билан таъминлаш, янги маҳсулот турларини яратиш масаласига жиддий қаралиб, халқ эҳтиёжини қондириш мақсадида янги маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларга алоҳида эътибор берилди. Республикада қандолатчилик маҳсулотлари

ишлаб чиқариш 1970 йилда 87120 тонна, 1975 йилда 101217 тоннани ташкил этган бўлса, Қашқадарё вилоятида 1970 йилда 634 тонна, 1975 йилда 766 тонна, Сурхондарё вилоятида 1970 йилда 259 тонна, 1975 йилда 579 тонна қондолатчилик маҳсулотлари саноат асосида ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

1974 йилда Сурхондарё вилоятида Денов ёғ-экстракция заводининг ишга туширилиши натижасида заводда бир кунда 800 тонна чигитни қайта ишлаш ва 134 тонна мой ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Завод 3 йил давомида тўлиқ қайта жиҳозланиши туфайли бир кунда 160 тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш имконига эга бўлди. 1975 йилга келиб янги рафинация, яъни оқлаш цехи қурилиб ишга туширилди, бу эса кунига оқлашни 320 тоннага етказди [19].

1975 йил 179318 тонна чигитни қайта ишлаб, натижада 31676 тонна мой ишлаб чиқариб, завод қуввати йилдан-йилга ошиб борди.

Қарши ёғ-экстракция заводида 1977 йил режадан ташқари 400 тонна ўсимлик мойи ишлаб чиқарилди.

Қарши ёғ-экстракция заводи 1980 йилда ҳам муҳим ютуқларни қўлга киритиб борди. Унда асосий масала юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилди. Шу йили заводда 47,5 тонна оқланмаган, 40,4 тонна рафинация қилинган ёғ ишлаб чиқарилди ва 196,9 тонна чигитни қайта ишлаб, 140 тонна шрот, 92 тонна шелуха тайёрланди [20].

1982 йил Денов ёғ-экстракция заводида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 102,2 фоизга бажарилиб, 639 минг рубл маҳсулот ишлаб чиқарилди. Лекин ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш 96,7 фоизга бажарилиб, режани уддалашга 1297 тонна ёғ етмади. Ўз навбатида техник носозлик туфайли, хом-ашёни ўз вақтида етказиб бермаслиги туфайли 1983 йил режа топшириқлар тўлиқ бажарилмади. Бу эса заводнинг иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 97 фоизга бажарилди.

1990 йил охирига келиб ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 102,8 фоизга бажарилди, яъни режадан ташқари 912 минг рубл маҳсулот етказиб берилди. Завод кўрсаткичлари бўйича оқланган ёғ ишлаб чиқариш 101,7 фоизга бажарилди ва режадан ташқари 650 тонна оқланган ёғ ишлаб чиқарилди.

Шундай қилиб, жанубий вилоятлардаги ёғ-экстракция заводи халқ хўжалиги режаларини доимий равишда бажариб бордилар. Бунга эса ишчиларнинг тинимсиз изланиш ва меҳнатлари туфайли эришди.

Вилоятда озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг етакчи тармоқларидан бири бўлган балиқ саноати 1.820.000 рубл маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режани 79,6 фоизга бажариб, 371 минг рубл балиқ маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бермади. Қарши ёғ-экстракция заводи 33.189.000 рубл маҳсулот ишлаб чиқариб, режани 99,4 фоизга бажариб, 1.859.000 рубл

маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бермади. Қарши гўшт корхонаси 146.738.000 рубл маҳсулот ишлаб чиқариб, режани 78,1 фоизга бажариб, истеъмолчиларга 18.929.000 рубл маҳсулотни етказиб бермади. Шунингдек, Шаҳрисабз гўшт корхонаси 53.480.000 рубл маҳсулот ишлаб чиқариб, режани атиги 89 фоизга бажариб, 5.880.000 рубл маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бермади. Бу ҳолатни бошқа саноат корхоналари мисолида ҳам қайд этиш мумкин.

Вилоятдаги озиқ-овқат саноати корхоналари 1990 йилда 1800 млн рубл молиявий зарар билан чиқди. Вилоятда 3 та йирик озиқ-овқат саноат корхонаси: Денов ёғ-экстракция заводи, Денов ароқ-вино заводи, Шўрчи ун корхонаси зарар кўрувчи саноат корхоналари қаторидан жой олди.

Сурхондарё вилоятида озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1990 йилда оғир иқтисодий қийинчиликларга дуч келиб, ушбу соҳадаги кўрсаткичлар аҳолининг кундалик озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини қондира олмади. Вилоятда 1991 йилда истеъмолчиларга 32,2 млн. рубл нон, 0,1 млн. рубл қандолат, 61,8 млн. рубл ёғ-мой, 57,9 млн. рубл шаробчилик, 15,8 млн. рубл мева-сабзавот, 216,8 млн. рубл сут ва гўшт, 2,3 млн. рубл балиқ, 19,9 млн. рубл ош тузи, 148,8 млн. рубл ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Ушбу соҳадаги режа 82,4 фоизга бажарилиб, жами 414,6 млн. рубл озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди[21].

Хулоса. Хуллас қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида озиқ-овқат саноати ривожини асосан пахта маҳсулотларини қайта ишлаш асосида олинадиган маҳсулотлар ҳисобида шаклланган бўлса, пахта чигитидан ёғ олиш сифати талаб даражасида эмас эди. Пахта чигитдан олинган ёғ озуқа ва техник маҳсулотлар учун хом ашё ҳисобланиб, ундан ошхона мойлари, маргарин, майонез, совун, алиф ва жами 50 га яқин турли-туман маҳсулотлар олинади. Рафинадланган пахта ёғи ишлаб чиқариш 1990 йилда республикадаги ҳар бир киши бошига тахминан 2,5 килограммдан тўғри келган.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида озиқ-овқат саноат маҳсулотларининг сифат ва самарадорлиги талаб даражасида эмас эди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган сут ва сут маҳсулотлари, колбаса, макарон, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари замонавий технологиялар билан жиҳозланмаган эди. Шунингдек, жанубий ҳудудларда озиқ-овқат саноати корхоналарининг янги технологик жараёнлар билан жиҳозлаш, янги маҳсулот турларини яратиш, замонавий ишчи мутахассисларни тайёрлаш тажрибаси талаб даражасида эмас эди. Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун катта имкониятлар бўлишига қарамасдан минтақада саноатбоп хом ашё манбаларини қайта ишловчи ва такомиллаштирувчи имкониятларни ишга солиш Марказ томонидан махсус назардан четда қолдирилган эди.

Адабиётлар

1. “Фан ва турмуш”, 1990. №9, 20-21 бетлар.
2. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1990. №3, С.6-8.
3. Зиядуллаев С. Экономические реформы в Узбекистане в действии. - Т., 1994. - С.10.
- 4.Зиядуллаев С. Экономические реформы в Узбекистане в действии. - Т., 1994. - С. 401.
- 5.Узбекистан за годы восьмой пятилетки (1966-1970 гг.) – Т.: Изд. ЦК КП Узбекистана, 1971. – С.20,22, 23.
- 5.Узбекистан за годы восьмой пятилетки (1966-1970 гг.) – Т.: Изд. ЦК КП Узбекистана, 1971. – С.25.
6. Народное хозяйство Узбекской ССР. – Т.: «Узбекистан», 1971. – С.67.
7. ЎЗР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 375-иш, 33-варак.
8. Народное хозяйство Узбекской ССР 1975 г. –Т.: “Узбекистан”, 1976. – С.110.
- 9.Қашқадарё вилояти давлат архивининг Шаҳрисабз филиали, 126-фонд, 1-рўйхат, 28-хужжат, 31-варак.
10. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 70-фонд, 1-рўйхат, 130-хужжат, 94-варак.
- 11.Народное хозяйство Узбекской ССР 1975 г. –Т.: “Узбекистан”, 1976. – С.108.
- 12.Народное хозяйство Узбекской ССР 1975 г. –Т.: “Узбекистан”, 1976. – С.109.
13. Қашқадарё ҳақиқати, 1977 йил, 8 декабр.
14. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 2998-хужжат, 123-варак.
15. Сурхондарё давлат архивининг Денов филиали, 425-фонд, 1-рўйхат, 5-хужжат, 17-варак.
16. Қашқадарё ҳақиқати, 1977 йил, 12-декабр.
17. Қашқадарё вилояти давлат архиви, 237-фонд, 1-рўйхат, 1365-хужжат, 23-варак.
18. Сурхондарё давлат архивининг Денов филиали 425-фонд, 2-рўйхат, 79-хужжат, 63-варак.
19. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси материаллари. Қарши, 1991. №1. 13-14 варақлар.
20. Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси материаллари. Термиз, 2004. 46-варак.
21. Мирзаев З., Қобилов Э. Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи. Термиз, 1996. 68-бет.